

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил июнь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг очик сайёр суд мажлисида, Марҳамат тумани Кушчи МФЙ биносида, раислик қилувчи туман судининг раиси У.Каримов, судья ёрдамчиси И.Собировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Марҳамат туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Исақов, судланувчи М.Абдуламитов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Маллабоевнинг иштирокида, судланувчи Абдуламитов Муҳаммаджонга нисбатан 1-1710-2501/124-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абдуламитов Муҳаммаджон (Abdulamitov Muhammadjon), 1955 йил 14 февралда Марҳамат туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 4 нафар фарзанди бор, нафақада, муқаддам 3 марта:

1. Марҳамат туман судининг 1997 йил 14 мартдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

2. Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2024 йил 6 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазосига;

3. Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2025 йил 12 мартдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосига судланган, ўталмаган жазо муддати 3 йил 5 ойни ташкил қилади, Марҳамат тумани, Шўрқишлоқ МФЙ, Олимпияда кўчасида яшайди, иши бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Абдуламитов Мухаммаджон, муқаддам гиёвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жинояти учун судланганидан кейин 2025 йил 14 май куни соат 19 ларда “Қорадори-2025” тезкор тадбири давомида Марҳамат тумани, Шўрқишлоқ МФЙ, Янги хаёт кўчасида жойлашган яшаш хонадони томорқасида суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 15 майдаги №584-сонли хулосасига кўра, таркибида тетрагидраканнабинол мавжуд бўлган 5 туп наша ўсимлигини қонунга ҳилоф равишда етиштириб келган.

Судланувчи М.Абдуламитов Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи М.Абдуламитов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2025 йил 14 май куни соат 19 ларда ИИБ ходимлари яшаш хонадонидаги томорқасини кўздан кечиришиб, томорқасидан 5 туп наша ўсимлигини етиштириб келаётганини аниқлашганини, томорқага ўзи қараб келишини, наша ўсимлиги картошкаларга сув қўйилганида оқиб келиб ўсиб чиққан бўлиши мумкинлигини, қилмишидан пушаймонлигини, нафақада эканини кўрсатиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Т.Юнусов судда, Марҳамат туман қишлоқ хўжалиги бўлими агротехнологиялар бўйича бош мутахассис вазифасида ишлаб келиши, 2025 йил 14 май куни соат 19 ларда “Қорадори-2025” тезкор тадбири давомида эксперт сифатида тадбирга жалб қилиниб, М.Абдуламитовнинг Марҳамат тумани, Шўрқишлоқ МФЙ, Янги хаёт кўчасида жойлашган яшаш хонадони томорқаси кўздан кечирилиб, томорқасида 5 туп нашага ўхшаш ўсимлик аниқланиб, ушбу ўсимликка агротехник ишлов берилгани тўғрисида хулоса бергани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи М.Абдуламитовнинг наша ўсимлигини қонунга ҳилоф равишда етиштиришдан иборат ҳаракатлари, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, нарсани олиш ва ашёвий далил тариқасида эътироф этиш, тушунтириш хатлари, суд-кимёвий экспертизаси хулосаси ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд, судланувчи М.Абдуламитовнинг ҳаракатлари ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши, ЖПКнинг 455-моддасида ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса,



айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация қилинган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши кўрсатилган.

Суд, судланувчи М.Абдуламитовга жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини, кекса ёшда, нафақада эканини, оилали 4 нафар фарзанди борлигини енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга айбли деб топилган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2025 йил 12 мартдаги ҳукмига мувофиқ тайинланиб, ўталмаган 3 йил 5 ой озодликни чеклаш жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, қўшимча тақиқлар юклашни лозим топди.

Суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, Андижон вилоят ДХХ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган жами 5 туп наша ўсимлигини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 466, 463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан

х у к м қ и л а д и :

Судланувчи Абдуламитов Мухаммаджон (Abdulamitov Muxammadjon) Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

М.Абдуламитовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Марҳамат тумани, Шўрқишлоқ МФЙ, Олимпияда кўчасида жойлашган уйдан чиқишни чеклашдан иборат 3 йил озодликни чеклаш, ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2025 йил 12 мартдаги ҳукмига мувофиқ тайинланиб, ўталмаган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 йил 7 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Абдуламитовга озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида шифохонада тиббий ёрдам олиш вақти истисно этилган ҳолда Марҳамат туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартириш тақиқлансин.

М.Абдуламитовга даволаниш ёки бошқа зарурат туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақда Марҳамат туман ИИБга дарҳол маълум қилиш мажбурияти юклатилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш Марҳамат тумани ИИБга юклатилсин.

М.Абдуламитовга тайинланган озодликни чеклаш жазосининг муддати жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

М.Абдуламитовга озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосини ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.



М.Абдуламитовга қўлланилган эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Андижон вилоят ДХХ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 5 туп наша ўсимлиги тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича кассацияси инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

имзо

У.Каримов

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
раислик қилувчи**

У.Каримов

